

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

БИТИРУВ–МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: СИЖО ЖАНРИДА ФИТОНИМИЯ

Бажарди: “Корейс филологияси” таълим
йўналиши битирувчи курс талабаси
Шамахмудова Наргиза Исакжоновна

Илмий раҳбар: “Корейс филологияси”
кафедраси, ф.ф.н. катта ўқувчи
Саидазимова Умида_____

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ	3
I БОБ. ЎРТА АСР КОРЕЙС ШЕЪРИЯТИ	
1.1. Ўрта аср корейс адабиётига ижтимоий муносабатларнинг таъсири.....	6
1.2. Ўрта аср корейс шеърияти жанрлари.....	14
II БОБ. СИЖО ЖАНРИДА ФИТОНИМИЯ	
2.1. Сижо жанрида боғлар рамзи.....	24
2.2 Сижо жанри шеъриятида фитонимиянинг қўлланилиши.....	27
III. ХУЛОСА	39
VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	41

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврида республикани суверен давлат сифатида қарор топиши юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Дунёдаги 120дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Жумладан, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари – Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтиш мумкин.

“Кейинги вақтларда Жанубий Корея минтақамизнинг мураккаб муаммоларини – хавфсиз ва барқарор тинчликка эришиб, атроф-муҳит муҳофазаси ва таълим соҳасидаги масалаларни ҳал қилишди фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда¹.

Мамлакатимиз ва Жанубий Корея Республикаси ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги корейс тилини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда.

“Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак”².

Юртбошимизнинг бу сўзлари нафақат хорижий тилларни ўрганиш, балки хорижий мамлакатлар тарихи, маданияти ва адабиётини ҳам ўрганишни тақоза этади.

Биз таҳлилга тортган битирув малакавий иш ўрта аср корейс адабиётида ўзига хос сижо жанридаги фитоминияга бағишланган. Маълумки, сижо жанрини ўрганиш орқали ўрта аср корейс адабиётида илк бор хангилда яратилган шеърий жанрлар, улардаги мавзулар кўламини чуқур ўрганиш, ўрта асрлар шеърияти борасида янги маълумотлар олиш, бу соҳадаги билимларимизни янада бойитиш имконини беради.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.1997.-Б.221.

² И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1998.-Б.10

Бадиий матнда сўзларнинг семантика билан боғлиқлиги, нутк фаолиятида ундан унумли фойдаланиш мавзунинг долзарблигини яна бир бор кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта асрлар корейс адабиёти Корея Халқ Республикасининг ўзида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тизимли равишда ўрганила бошланди. Битирув малакавий ишни ёзишда рус адабиётшунослари М.Н. Никитина, А.Ф. Троцевич, В.Жирмунский ва корейс адабиётшунослари Ко Жон Ок (고 전옥), Лю Чхан Сон (류 찬손), Чжу Ю Гуан ва ўзбек корейсшуносларидан У.Т.Саидазимова каби олимларнинг қиёсий–тарихий метод назариясига бағишланган ишларига асосланиб, уларнинг тадқиқот ва мақолаларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг манбаси. Битирув малакавий ишимизга манбалар сифатида 1993 йил Сеулда чоп этилган Квон О Сок(권오석)нинг «시조를 찾아서» (сижони қидириб) корейс шоирларнинг сижолари тўпламини ҳамда институтимиз қошида езилган “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея адабиёти)” ўқув қўлланмасидаги сижоларни танладик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари.

Сижо шеърӣ жанрида фитонимиянинг бадиий талқинини ёритиб бериш битирув малакавий иш олдида қўйилган **асосий мақсаддир**. Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- XV-XVI асрларда яратилган корейс шеърӣ жанрларига ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласини ўрганиш;
- Чосон (Ли) сулоласи ҳукмронлиги даврида мамлакат маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан танишиш;
- Хангил (миллий ёзув)нинг жорий қилиниши ва унинг адабиёт тараққиётига таъсири масаласини ўрганиш;
- XV-XVI асрлар корейс шеърӣ тизими ва унда сижо жанрининг ўрни масаласи;

- илмий манбалар асосида сижо жанридаги шеърятининг ривожланишига ҳисса қўшган шоирлар ҳақида маълумотлар бериш;
- сижо шеърятида рамзийлик моҳиятини ёритиш;
- сижо жанрида боғ образини ўрганиш;
- сижо шеърятида фитонимиянинг бадиий талқинини амалга ошириш.

Ишнинг амалий аҳамияти.

Корейс ўрта асрлар шеърятида янги ҳодиса бўлган сижо жанрида фитонимиянинг бадиий талқини билан боғлиқ маълумотлар билан бакалавр йўналишида ўқитиладиган “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея адабиёти)” ҳамда магистратура йўналишидаги “Шарқ ва Ғарб адабиёти типологияси”, “Шеърый тизимлар”, “Адабиёт назарияси” фанлари учун ўқув қўлланма, маъруза матнлари яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Иш Кириш, ҳар бири фасллардан иборат 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

I БОБ. ЎРТА АСР КОРЕЙС ШЕЪРИЯТИ

1.1. Ўрта аср корейс адабиётига ижтимоий муносабатларнинг таъсири

XIII асрга келиб Корё давлати заифлаша бошлаган. Марказий ҳокимият мавқеининг пасайиши Корёя жамияти кайфиятида туб бурилиш ясаган. Кўпгина ўқимишли кишилар конфуцийчиликнинг кучли давлатчилик билан боғлиқ идеалларига бўлган ишончни йўқотганлар, буддизм ва даосизм нуқтаи назарига ўтганлар, давлат хизматидан табиат қўйнига кетиш, жамиятдан қочишни афзал кўрганлар. Шу тариқа даосизм йўналишидаги корейс шеърияти равнақи учун замин яратилган. Шеъриятда бутун бир йўналиш – “Бамбукзорлар адабиёти” вужудга келган. XIII асрда Корёяда шундай шеърий уюшмаларнинг бир неча типи пайдо бўлган. Уларнинг энг машҳури “Денгиздан шарқдаги мамлакатдан етти донишманд” ҳисобланган. У корейс шеъриятида сезиларли роль ўйнаган. Унга Лим Чхун, О Докчон, Хван Бохван, Чо Тхон, Ли Дамжи, Хам Сун ва Ли Инно каби шоирлар кирган. Ли Инно Корёяда мазкур йўналишнинг энг йирик вакили сифатида танилган. Хитой шоири Тао Юньмин (365-427)нинг “Форсий манба” асари мотивлари асосида ёзилган “Чирисан тоғларидаги турналар воҳаси” асари “Бамбукзорлар адабиёти” учун дастуриламал ҳисобланади.

Бу даврда шеъриятда ҳаётга фаолроқ муносабатни акс эттирган бошқа бир йўналиш ҳам ривожланади. Уни фош қилувчи шеърият деб номлаш мумкин. Мазкур танқидий ёндашув замирида конфуцийчиликнинг подшо ва ҳар қандай амалдорнинг ўз вазифасига мувофиқлиги ҳақидаги тасаввурлари ётади.

Шоирлар воқеликни – адолатсиз қироллар ва уқувсиз амалдорларни танқид тиғи остига олар эканлар, баъзан ўзлари яшаётган давр жамиятига Корёя тарихидаги “олтин давр”ни, аниқроқ айтганда, Корёя подшоликларининг асосчилари давлат ишларини оқиллик билан, қадимда илгари сурилган “бошқарув тамойиллари”га мувофиқ бажарган шу боис

фитналар бўлмаган, амалдорлар ўз вазифасини сидқидилдан адо этган, халқ тинч меҳнат қилган ва фаровон яшаган даврларга қарши қўйганлар.

XIV аср охирида сарой тўнтариши натижасида мамлакатда Ли сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу сулола 1392 йилдан 1910 йилгача ҳукмронлик қилди. Сулола асосчиси Ли Сонге ўз давлатини Қадимги Чосон хотирасига “Чосон” деб номлади. Сеул мамлакат пойтахтига айланди. Янги подшо ва унинг ворислари Кореяда марказлашган давлатни тиклаш чораларини кўрдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар Корея типик феодал мамлакат бўлиб қолди. Унинг иқтисодиётида феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукм сурди, дворянлик (янбанлар) ва деҳқонлар феодал жамият ўзагини ташкил қилдилар.

XV аср – марказлашган давлатни мустаҳкамлашда жиддий ютуқларга эришилган давр. Бу неоконфуцийчилик мафкураси (*Чжуси* йўналиши) кенг тарқалган давр бўлган. Ҳокимият учун курашда консерватив рухдаги зодагонлар эски ортодоксал конфуцийчиликни ҳимоя қилиш шиорлари билан ниқобланган. Уларнинг рақиблари қотиб қолган ақидалардан воз кечишга чақирган чжусичилик нуқтаи назарини ҳимоя қилганлар. Улар олий ҳокимият йирик ерларни эгаллаб олгани халқ манфаатларига зиён етказди ва давлат асосларига таҳдид солади деб огоҳлантирганлар. Улар “давлатга садоқат билан хизмат қилиш” ва “халқни одилонга бошқариш” заруриятини тарғиб қилганлар. Илк корейс неоконфуцийчиларидан бири Квон Гин (1352-1409)дир. У буддизм ва даосизм догмаларини танқид тиғи остига олган. IV-XIV асрлар давомида давлатда ҳукмронлик қилган буддавийлик черкови ўз сиёсий мавқеини йўқотган, лекин мамлакатнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишда давом этган. Буддавий ибодатхоналарига қарашли ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш амалга оширилган, уларнинг майдони 4-5 баравар қисқарган.

XV асрда икки оламшумул воқеа юз берган: 1403 йилда жаҳонда биринчи босмахона темир шрифти яратилган, 1443 йилда корейс миллий

ёзуви жорий этилган. У дарҳол ҳукмрон синф хизматига қўйилган ва ундан конфуцийчилик классикларининг асарларини, шунингдек буддавийларнинг диний адабиётларини корейс тилига ўгириш учун фойдаланилган. Аммо тез орада миллий алифбодан мавжуд тузум рақиблари ҳам фойдалана бошлаганлар.

XVI асрда марказлашган давлатнинг заифлашуви, ерларни йирик феодаллар эгаллаши, халқни эксплуатация қилиш, шунингдек ҳукмрон табақалар ўртасидаги кураш кучайганлиги, деҳқонларнинг қўзғолонлари кўпайганлиги кузатилади.

Халқ бошига тушган мусибатлар XVI аср охирида мисли қўрилмаган даражага етган, чунончи ички кулфатларга оғир синов – япон босқинчилари (Хидэёси қўшинлари) билан уруш қўшилган. Қонли Имчжин уруши олти йил (1592-1598 йиллар) давом этган. Мамлакат кул уюмига айланган, кўп сонли ноёб санъат асарлари, адабий ёдгорликлар уруш оловида ёниб ҳалок бўлган.

X–XIV асрлар ёзма ёдгорликлари бу босқичда ўзига хос адабий жараёнлар кечганини исботлайди. Мамлакат тарихида бу давр бирлашган Силла (VII–X асрлар) давлати ўрнида вужудга келган марказлашган Корё давлатининг шаклланиш ва мустаҳкамланиш даври ҳисобланади. Бу даврда иқтисодий юксалиш, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар билан бир қаторда, Хитой маданий анъаналарининг адабий ҳаётга кириб келиши кузатилади. Адабиётни асосан тарихнависликка оид асарлар ташкил қилган. Хусусан, Будда роҳиблари ҳаётига бағишланган диний ва давлат бошлиқлари ҳаётини акс эттирган тарихий асарлар етакчи ўрин эгаллаган. Бу давр адабиётининг асосий мақсади ўтмиш кишилари ва бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ахборот бериш ҳамда Конфуций таълимоти нуқтаи назаридан ҳукмрон ва тобе инсон қандай бўлиши кераклигини кўрсатишдан иборат бўлган. Албатта, бу ўринда Конфуций таълимотининг инсонлараро муносабатларга, халқнинг турмуш тарзига катта таъсири бўлганлиги кузатилади. Инсоннинг шахсий ҳаёти, унинг фикри, ақл-идроки, дунёқарашини тасвирлаш бу давр адабиёти учун хос бўлмаган.

Бу даврда яратилган агиографик³ характердаги асарларда рухонийлар, Конфуций таълимоти пешволари образини яратишга кўпроқ эътибор қаратилган. Агиографик адабиёт олдидаги асосий вазифа оддий одамларга ҳар жиҳатдан намуна бўладиган инсон образини яратишдан иборат бўлган. Идеал илоҳий инсоннинг ҳаёти тасвирида у билан бўлаётган ажойиб ва ғаройиб ҳодисаларга алоҳида эътибор берилар эди. Масалан, Хёк Нон Жоннинг (1075 йил) “*규녀화*” “Кюнё ҳаёти” асарида қаҳрамон кўплаб қийинчиликларга дучор бўлади, турли тўсиқларни енгиб ўтади. Одатда, мураккаб бўлмаган сюжет асосини ҳар қандай тўсиқлардан ўта оладиган, инсон кучи етмаган вазифаларни уддалайдиган баркамол образ тимсолини яратиш ташкил этган. Агиографик адабиёт қаҳрамони фаол турмуш тарзини кечиради, унинг хатти-ҳаракатлари доимий равишда нималарнидир амалга оширишга қаратилган, бироқ бу хатти-ҳаракатлар сабаби психологик жиҳатдан асосланмаган. Бунда персонажнинг ички дунёси – унинг фикрлари ва ҳиссиётлари ҳисобга олинмайди. Муаллифни қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ҳам, уни ўраб турган атроф-муҳит ҳам умуман қизиқтирмайди. Асосий персонаж Кюнёнинг болаликдаги ижобий хислатлари, у балогат ёшига етганда ҳам, кексайганда ҳам сифат жиҳатдан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Бир сўз билан айтганда, бош қаҳрамон характери тадрижий такомилда берилмайди.

Ўрта аср корейс адабий жараёнида муҳим аҳамият касб этган бир қатор ёдгорликлар мавжуд. Ким Бу Сик (1075-1152)нинг “*삼국사*” “Уч давлатнинг тарихий ёзувлари” тарихий асари шулар жумласидандир. Асар 1145 йили ёзилган бўлиб, расман тарихий асар деб тан олинган. Бу даврда Корейда тарихий асарлар *첩사* *чопса* “расмий тарих” ва *야사* *яса* “норасмий тарих” каби иккита гуруҳга бўлинган.

³ Ким Бу Сик. Самгук саги. Разные описания. Биография /перевод, вступ., статья, коммент., приложения под ред. М.Н.Пака и Л.Р. Концевича/. – М., 2002.

Хукмдорнинг буйруғига кўра, қадимги хитой фольклор намунаси хисобланган Син Цянь (Шицэн, I аср боши) асосида яратилган ушбу асарда Ким Бу Сик Силла (신라), Пэкче (백제), Когурё (고구려) ва Бирлашган Силла (신라의 삼국 통일) давлатларининг тарихини баён этган. Конфуций идеаллари асосида тарбия кўрган собиқ давлат арбоби Ким Бу Сик муаллифнинг вазифаси, авваламбор, асарнинг маънавий таъсирида, деб билган. Асардаги инсон образларининг яратилишида муаллифнинг идеал ҳоким ва идеал фуқаролар ҳақидаги тасаввурлари асос бўлган. Бу асар қаҳрамони давлат ишларида фаол иштирок этадиган тарихий шахсдир. Ким Бу Сик тарихни халқ ривояти ва афсоналари асосида “қайта яратар” экан, беихтиёр, ўзи истамаган ҳолда фольклор унсурларининг тарихий асарларга кириб келишига сабабчи бўлган. Бунда қаҳрамон Конфуций идеалларига мувофиқ равишда доно ва инсонпарвар ҳоким, “халқнинг отаси” сифатида гавдаланади. Шундай қилиб, образларнинг қаҳрамон типи яратилишига халқ оғзаки ижоди, доно ва инсонпарвар типи намоён бўлишига эса доимо ўз давлатига содиқ бўлган давлатбоши ва фуқарога ҳам тегишли бўлган Конфуций таълимоти таъсир қилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ким Бу Сик асари расмий тарихий асарлар сирасига кириб, у бошлаган анъана кейинчалик Будда роҳиби Ким Ирён (1285 йил)нинг “삼국화” “Уч давлат ҳақида ривоят” асарида давом этди.

Ким Бу Си книнг асари бадий анъаналарни давом эттирувчи *чопса* “расмий тарих” турига мансубдир. “삼국화” “Уч давлат ҳақида ривоят” асари *яса* “норасмий тарих” типдаги илк асардир. Мазкур асарнинг муаллифи Ким Ирён Ким Бу Сикдан фарқли ўлароқ, ўз олдига халқ хотираси тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб сақланиб келаётган нарсаларни, яъни давлат асосчилари – “оддий фуқаро”, “ғайриоддий”, “ажойиб” /왕/ ванларнинг туғилиши, шаҳарларнинг қурилиши, ажойиб ҳамда ғаройиб ҳодисалар ҳақида ривоят-афсоналарни йиғиш, тўплаш ва ёзиб олишни вазифа қилиб

кўйди. Бироқ мазкур давр учун характерли бўлган ёдгорликларнинг турли таснифига қарамасдан, уларда инсонни, ҳақиқатни тасвир этиш тамойили бир хилдир. Асарларда инсон тарихий шахс сифатида акс эттирилади. Бизнинг наздимизда, асарлардаги ҳодисалар ҳужжатлар билан далилланган бўлмасда, муаллиф учун тарихий фактдир.

“삼국사” “Уч давлат ҳақида тарихий ёзувлар”, “삼국화” “Уч давлат ҳақида ривоятлар”, “심심풀이로 한 이야기” “Ҳордиқдаги ҳикоялар”, “패군의 이야기” “Пэчун ҳикоялари” ва бошқа тарихий асарларда муаллифлар комил инсон образини яратар эканлар, улар хатти-ҳаракатларининг фақат ташқи томонини тасвирлаш билангина чекланганлар. Инсоннинг ички дунёси, ўй-хаёллари, тафаккури сингари масалалар назардан четда қолган. Қаҳрамон хатти-ҳаракатлари унинг ички дунёси билан асосланмаганлиги, асарга кўплаб нутқий матнларнинг киритилишига олиб келган.

Аммо таъкидлаш жоизки, бу асарларда илк бадий адабиётга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – қаҳрамоннинг ташқи портретини тасвирлашга уринишлар кўзга ташланади. Бунда қаҳрамон ташқи кўринишига хос бўлган ҳар бир белги алоҳида бўрттирилган ҳолда тасвирланади. “Фалончи Чжоуга ўхшайди” деган иборанинг ўзиёқ, ўқувчига бу ерда “идеал” ҳоким ҳақида сўз юритилаётганлигига ишора қилган.

XIII аср охири XIV аср бошида Кореяда Конфуций таълимоти инқирозга учрайди ва унинг ўрнини инсонга “ижтимоий бирлик” сифатида эмас, балки “буюк табиатнинг бир бўлаги” сифатида қараш шиори билан чиққан даосизм эгаллайди.

Япония билан бўлган Имчжин уруши (1592-1598) ва манжурларнинг 1627 ва 1636-1637 йилларда мамлакатга қилган ҳужуми катта талофат етказган эди. Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктлар вайрон қилинди, мамлакат ичкарасидаги ҳукмрон синф ўртасида ҳам турли гуруҳбозликлар авж олди. Ҳокимият ва жамиятда обрў, мавқе эгаллашга интилган бир-бирига қарши кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди. Ўзаро ички низолар мамлакатга ҳам,

унинг иқтисодига ҳам сезиларли даражада зарар етказди. XVIII асрда корейс ҳукумати томонидан тинчлик сиёсати юритилган бўлса-да, оппозицион партиялар ўртасида очик қуролли тўқнашувлар бошланди⁴. Зиёлилар ўртасида тушкунлик кайфияти тарқалди, инсоннинг жамиятдаги ўрни омонат эканлиги, ўзига ишончсизликни ҳис этиш, ҳукуматнинг тинч ҳаётни таъминлаб бера олмаслигидан умидсизликка тушиш ҳолати рўй берди. Улардан кўплари хизматга бўлган қизиқишларини йўқотиб, “табиатга кетишди”, тарки дунё қилишди, мавжуд тартибларни танқид қила бошлашди. Мана шулар натижасида янги ижтимоий ғоялар туғилди. Шу замоннинг энг илғор, мутафаккир инсонлари, энг аввало, таълим тизимини қайта ташкил этиш орқали ёшлар тарбиясига бўлган муносабатни ўзгартириш керак, деган фикрда эди. Улар давлат гуллаб-яшнаши учун анъанавий, гуманитар таълим эмас, балки амалий билимлар, “фойдали” одамлар керак, деб ҳисоблашарди. Аммо, бир томондан, мамлакатни яккалаш сиёсати бошқа халқлардан илғор тажрибаларни ўрганиш имкониятини бермасди, иккинчи томондан эса, давлат хизматига ҳақиқий иқтидорли инсонларни жалб этишга юқори табақа доиралари ҳалақит берар эди⁵. Бу йўналиш XVII аср ўртасида жамиятнинг илғор аъзоларини бириктирувчи *실학 сирхак* “аниқ фанлар” оппозиция руҳидаги ғоялар оқимининг пайдо бўлиши ва тарқалишига олиб келди. Сирхак ҳаракатини маърифий ҳаракатлар қаторига киритиш мумкин, аммо унинг тарафдорлари бир қатор ижтимоий талабларни ҳам олға суришган. Улардан энг муҳими, инсон шахсиятининг мустақил қадрияти, яъни инсон давлат бошқарувида ўзининг иқтидори ва билимларига мос вазифаларни эгаллаши кераклиги ҳақидаги ғоя эди⁶.

Сирхак ҳаракати бутун бир маданият каби, албатта, адабиётга ҳам муҳим таъсирини ўтказган. Сирхак ғоялари таъсири остида адабиёт ҳаётда фақат кўнгилхушлик унсури бўлиб қолмасдан, балки функционал бурилиш,

⁴ Қаранг: Тягай Г.Д. Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма. – М.: Наука, 1972.

⁵ Батафсил маълумот учун қаранг: Ванин Ю.В. Экономическое развитие Кореи в XVII–XVIII вв. – М., 1968; Тягай Г.Д. Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма. – М.: Наука, 1972.

⁶ Тягай Г.Д. Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма. – М.: Наука, 1972. – С.149–152.

хусусан, ижтимоий тенгсизлик муаммолари каби муҳим масалаларни кўйишга қаратилган восита ҳам эди. Бадий асарларда “олий” табақа вакилларига қарама-қарши қўйилган камбағал, ҳуқуқсиз инсон образи кўзга ташлана бошланди. Инсонга нафақат алоҳида бир шахсият сифатида қаралди, балки қаҳрамонларни умумлаштириш содир бўлди, унга маълум бир умумгуруҳ нуктаи назардан аниқ қатлам вакили сифатида қарала бошланди. Бу эса, адабиётда инсонни тасвирлашдаги янги ёндашувлар юз бераётганидан далолат берарди. Адабий қаҳрамонга бўлган янгича ёндашув адабиётнинг жамиятдаги ўрнига бўлган қарашларнинг ўзгаришига олиб келди. Пак Чи Воннинг фикрига кўра, адабиёт “жамиятдаги салбий ҳодисаларни очиб ташлаш куроли” бўлиб хизмат қилади ва воқеликни қайта қуришга туртки бўлади⁷, яъни бунда адабиётнинг ижтимоий мавқеини оширишга, жамиятдаги кайфиятга, инсоннинг дунёқарашига таъсир қиладиган восита сифатида қараш таъкидланмоқда.

Бу давр адабиётида демократизмнинг аниқ элементи пайдо бўлди, хусусан, айнан ўша давр адиблари ўзларининг асарларини нафақат анъанавий мумтоз ханмунда, балки ўрта табақа корейс китобхонига тушунарли бўлган корейс тилида ярата бошладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, корейс тилидаги адабиёт “навқирон” бўлишига қарамасдан, узоқ асрлар давомида муайян қонун-қоидаларга бўйсуниб, анъаналарга риоя қилиб келган ханмунда яратилган адабиётга нисбатан янги ғоя ва янги услубларга мойилроқ эди.

Бу даврга келиб ханмунда яратилган шеърят асосан аҳмоқ амалдорлар бошқарувидаги камбағал халқнинг аҳволи ҳақидаги анъанавий мавзуларни ёритишга қаратилган эди. Шеърятнинг энг етакчи мавзуларидан яна бири шахсий ҳиссиётни (туйғуларни) ифода этиш бўлган⁸. Мана шундай шеър намуналарини “Хон Кил Дон ҳақида қисса” муаллифи Хон Гюн (1569-1618), машҳур насрчи Лю Монъин (1559-1623), ўз сижоси билан машҳур бўлган

⁷ Қаранг: 박 치원. 다할루시 여남. – 서울, 1956. (Пак Чи Вон (тахаллуси Ёнам). Танланган асарлар. – Сеул, 1956.)

⁸ Қаранг: 이가원. 한문으로 된 한국 문학 역사. – 서울, 1961 (Ли Гавон. Ханмундаги корейс адабиёти тарихи. – Сеул, 1961.)

Син Хим (1566-1628), корейс тилидаги биринчи романлар муаллифи Ким Ман Жун (1637-1692), йирик олим ва сирхак оқими ғояси тарафдори Чон Ягён (1762-1836)лар ижодида ҳам учратамиз. Айниқса, XVIII асрда кенг тарқалган 악부 *акпуда* (хитойча *юэфу*)⁹ (Ли Га Вон акпунинг 29 та тўпламини айтиб ўтган)¹⁰ лирик мавзулар қаторида мозийга – дастлабки корейс давлати асосчилари ва қадимги ривоятлар қаҳрамонларини куйлашга ҳам катта ўрин ажратилган. Бу мавзу бошқа кўпгина халқларнинг адабиётида кенг тарқалган бўлиб, уларда номукаммал дунё қадимдаги мукаммал жамиятга анъанавий тарзда қарама-қарши қўйилган ва ўша эски қадрдон фольклорга қизиқиш ортишига туртки бўлган. Барча халқларга хос бўлган миллий ўзликни англаш ва XIX аср охирида мустақилликка эришган бу халқ, ўша даврда хитой маданиятидан холи бўлган қадимги корейс фольклор мавзуларига бундай мурожаат этиши корейсларнинг ўзларини миллий англаб етганликларининг ўсиши билан боғлиқдир.

“Олий” даражадаги насрда эса, яна ўша ханмун шеъриятидаги номларни кўрамиз. Ли Га Воннинг алоҳида таъкидлашича, “индивидуал” *чон* (ёки немис синологи Х. Франк бундай турдаги адабиётни тахаллусли биография деб атайди) ривожланган ва бу даврда ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳатто буюмлар тасвир предмети бўлган. Агар бундай асарларга қаҳрамон сифатида муайян инсон образи киритилган бўлса, у албатта расмий давлат муносабатларидан холи тарзда тасвирланган

1.2. Ўрта аср корейс шеърияти жанрлари

XIV – XVI асрнинг сўнгида корейс шеърияти ва насрида янги жанрлар юзага келди, характерлар ўзгарди, адабиётда тўқима қаҳрамонлар пайдо бўла бошлади. Ҳаётини воқеаларга бўлган қизиқиш кучайди. Назмда ҳам

⁹ Юэфу – хитой шеърияти жанрларидан бири.

¹⁰ Қаранг: 이가원. 한문으로 된 한국 문학 역사. – 서울. 1961. – 쪽. 235–270. (Ли Га Вон. Ханмундаги корейс адабиёти тарихи – Сеул, 1961. – Б.235–270.)

янгиликлар кузатилди: уч қаторли сижолар ва каса (поэма)лар яратила бошланди. 1443 йилда эса корейс миллий алифбоси хангилга асос солинди.

Янги алифбодан хитой тилидан таржима қилинган конфуций ва будда конунлари тарқатишда кенг фойдаланилди. Жумладан, киро́л Сежон (1419-1450) томонидан ёзилган “Осмонда учадиган аждарга ташаккурнома (ода)” да она тилидаги шеъриятга бўлган ҳурмат ва ватан ҳақидаги ўйлар киритилган.

Ўрта аср корейс шеъриятининг она тили (хангил)даги энг ёрқин намуналаридан бири бу сижо бўлиб, XV-XVIII асрларда кенг тарқалган жанрлардан биридир. Сижо жанрининг дастлабки намуналари XVIII антологияларида учрайди. Сижонинг аниқ маъноси маълум эмас, амма баъзи бир тадқиқотчилар бу жанрни – “йил фасллари кўшиқлари”, баъзилари эса “замонавий куйлар” деб таърифлашади. Сижо жанрининг мавзулар кўлами жуда ҳам кенг бўлиб, пейзаж ва даос (дунёвий ҳаётдан кетаётганлар куйи), ватанпарварлик ва севги ҳақидаги сижолар кўпчиликлари ташкил этади. Сижо нафақат шоирлар томонидан, балки турли халқ вакиллари томонидан ҳам ёзилган.

Сижо тугалланган шеър деб аталади. Сижо уч қатор ва 43-45 бўғиндан иборат. Унинг тузилиши қуйидагича:

Ҳар бир қатор синтактик паузага эга бўлиб, у ўз навбатида икки мустақил ярим шеърга бўлинади. Шунинг учун ҳам баъзида сижони олти қаторли шеър деб ҳам талқин қилинади. Ярим шеър иккита бир-бирига мос қатордан иборат бўлиб, айрим ҳолларда бўғинлар сони иккидан олтигача кўпайиши ёки камайиши кузатилади. Биринчи қатор асосан уч қисмдан иборат бўлади. Бу шартлар биринчи қатор учун тегишли, иккинчи қатор эса беш бўғиндан ташкил топади. Сижонинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, шулардан биттаси пхён–сижода композицион усул хянга усулида ёзилган. Биринчи икки мисраси мавзу жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ, учинчи мисра эса умуман боғланмайди. Бошланғич мисрадаги айрим бўғинлар сўнгги бўғинлар билан ўхшаш бўлади.

Кейинчалик сижонинг янги турлари, яъни ос-сijo (мавзулар бўйича бириктирилган циклик сijo) ва ва сосол сijo (даракчи сijo)лар юзага келди. Бу сижоларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб чан (узун)-сijo деб аталади. Бунда сижонинг тузилиши бирмунча эркин бўлганлиги кузатилади: қаторларнинг узунлиги, мустақил тарзда ярим шеърларнинг қайтарилиши сижонинг дастлабки структурасининг бузилишига олиб келди. Чан-сijo ўзида бир нечта учқаторликни олади.

Сijo ҳеч қачон ўқилмаган, у фақат кўшиқ қилиб мусиқа асбоби жўрлигида ижро этилган. Сijo ижро этилишига қараб тўрт, мусиқачи уч, мусиқа темпи 15 турга бўлинган.

Ўрта аср корейс шеърий жанрларидан яна биттаси бу каса бўлиб, у “мусикий қаторлар” деб таржима қилинади. Бу шеърий жанр асосан қирол хонадонларида ижро этилган. Бу жанрнинг вужудга келиши корейс миллий ёзуви хангилнинг яратилиш даврига тўғри келади. Каса жанри тузилиши жиҳатидан сijo жанрига, айниқса чан-сijoга жуда ҳам ўхшашдир. Каса жанрига қўйиладиган қатъий талаблар мавжуд эмас, бўғинлар сони ҳам чегараланмаган. Бир қарашда каса прозага ҳам ўхшайди. Касада пейзаж, географик тасвир, балиқлар, ҳашаротлар номлари кўп учрайди. Каса корейс қиссаларининг пайдо бўлиши тўртки бўлди. Каса шеърий тарзда ўқилади. Каса муаллифлари аниқ эмас, асосан аноним тарзда ёзилган. Касани кўпроқ аёл ёзувчилар ёзишган ва айнан аёллар томонидан ўқилган. Касанинг кюбан-каса”, кихен-каса (йўловчининг ёзувлари) каби турлари мавжуд. Касанинг асосий мавзулари Корея ҳаёти ва табиатига бағишланган бўлиб, тарихий касаларда Корея тарихи ва маданий ҳаёти ҳақида ёзилган.

XVIII аср охирига келиб шаҳар аҳолиси ўртасида тузилиши жиҳатидан касага ўхшаш, халқ кўшиқлари асосида—чапка (мураккаб ашула) вужудга келди. Чапкаларни асосан кисенлар ижро этишган.

Бу даврга келиб яна бир жанр – талгори (ёки воллёчега “йил фасллари кўшиғи”) вужудга келган бўлиб, бу каса тузилишига ўхшаш шеърдир, бу шеърлар ой тақвимига қараб тузилган, яъни талгори асосан халқ

байрамларида ва далаларда бошланадиган мавсумий ишлардан олдин ва ҳосил байрамида ижро этилган.

Шеърӣ жанрлардан яна биттаси чханга бўлиб, бу эркин, қисқа тузилишга эга ҳамда шеърӣ жанрнинг бу тури XIX-XX асрларда анча ривожланган. XX асрнинг 10-20-йилларининг бошларида эркин шеърчаюсига асос солинди.

Ли Гюбо (1169-1241) бу даврнинг энг ёркин намоёндаларидан ҳисобланади. Шоир ўз даврининг энг иқтидорли ёшларидан бири эди. Шоир ўзининг “Тонмён-бан” поэмасида корей тарихига мурожаат қилиб, идеал ҳокимни, адолатли қиролни қидиради. Умуман шоир ўз шеърларини (43та шеър) мамлакатдаги танг аҳвол, янбанларнинг деҳқон меҳнатлари орқасида орттираётган бойлиги, деҳқонлар меҳнатининг қадрсизлиги, давлатни бошқариш талабга жавоб бермаслиги, халқнинг аянчли ҳаёти, қадимий урф-одатларга амал қилинмаслик натижасида юзага келган тартибсизликлар, ҳимоячисизларнинг ачинарли ҳолати (“Тул хотиннинг арзи”), энг ёмони инсонлар ўртасида меҳр-оқибатнинг кўтарилаётганлиги (“Йўл четидаги бола”) ҳақидаги мавзуларга бағишлаган.

XV- аср охири XVI аср бошларида давлат бошқарувида кўпгина ўзгаришлар вужудга келди, бу эса юқори табақалар ўртасидаги келишмовчиликларга сабаб бўлди. Юқори табақа вакиллари ўртасида ўзига хос шеърӣ жанрлар яратилган. Хусусан, Сон Сун (1493-1592), Чон Чхол (1537-1584)лар ижодида шулар жумласидандир. Корейс тилида канхо- “дарё ва кўллар шеърляти” номли пейзаж лирика кенг тарқала бошлади (Ли Хюбо (1467-1555), Ли Хван (1501-1570), Ли И (1536-1584) ва бошқалар).

Пастда ва тепада осмон...

Худди бир хилдай...

“낙대를 비끼 주고 조월탄(釣月灘) 바로 내려

붉은 여뀌 헤쳐내고 달¹¹

Пейзаж лирикасида шартли тасвирлар учрайди. Масалан Пак Иннонинг “Тор кўча” касаси (тор кўча – шоирнинг камтарона танҳо ҳаёти тимсоли) ва “Нога даласи ҳақида кўшиқ” (Нога – Пак Инно яшаган даланинг ажойиб номи).

Чон Чхол эса ўз поэмасида табиат билан уйғунликни тараннум этган. Поэмада табиатнинг тинч, осудалиги тасвирланади.

Мен чарчадим, атрофга боқаман
Сувга тикилиб, тагин кузатаман.
Осмон нурли, булут сояси
Бир-бирига чулғаниб, сувга айланган.
Шундай экан, кўлдаги балиқча
Худди булутлар устида сузаётгандай

Хайратдан бошимни кўтариб қарайман 아래 앉았으니

아무리 동강흥미(桐江興味)인들 부릴 줄이 있으랴.

격진령(隔塵嶺) 하 높으니 홍진(紅塵)이 멀어 간다.

가득이 먹은 귀 씻을수록 먹어가니

산 밖의 시시비비(是是非非)를 듣도 보도 못하도다.

강상산(江上山) 내린 끝에 솔 아래 넓은 돌에

취람(翠嵐) 단하(丹霞)가 첩첩히 둘렀으니

어즈버 운무병풍(雲霧屏風)을 갓 그린 듯하여라.

“Нога даласи ҳақида кўшиқ”да май тараннум этилади, шоирга табиат билан уйғунлашишга ёрдам беради. Шоир Ли Бо эса май ойини “осмон чўмичи” деб тасвирлаган.

¹¹ <http://daum.net>

Табиатни тасвирлашда шоирлар сижо жанридан кенг фойдаланишган. Пейзаж лирикасининг моҳир устаси Син Хим (1566-1628) шундай ёзади:

“Эшитдим, тунда қаттиқ ёмғир ёғди,
Чикдим, ҳамма анор гуллари очилган.
Биллур томчилар ялтирар,
Нилуфар ховуз устидаги шохлар...
Қайғудан нишон ҳам қолмади,
Алам кетди, кўнглим ёришди”.

산촌에 눈이 오니 돌길이 묻혔세라

시비를 열지 마라 날 찾을 이 누 있으리

밤중만 일편명월이 귀 벗인가 하노라¹²

“Дарё ва кўллар” шеърятти муаллифлари орасида Ким Гванук (1579-1656) ижодининг ўзига хослиги билан ажралиб турса, Юн Сондо (1587-1671) сижо жанрининг пейзаж лирикасида серқиррали ижод соҳиби ҳисобланади. Юн Сонда сижолари циклларга бўлинган, қадимги адабиётни янги давр адабиёти билан уйғунликни бузмаган ҳолда ёнма-ён олиб борган. Унинг энг яхши сижоларидан бири қирқ мисрали “Балиқчининг йил фасллари”дир, сижодан намуна келтириб ўтамыз:

Қуёш кундузги нурларин сочар,
Дарё суви худди мойдек.
Эй балиқчи, эшавер эшкакни!
Бир жойда турсам ҳам, ҳар томондан балиқ тутаман.
Сен эшавер, менинг эшгагим, эшавер!
Лекин “санлайн суви тоза”
Эсладим – мен балиқ ҳақида умуман унутдим.

¹² 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993

Ўрта асрларда корейс шоирлари хитой адабиётидаги Тан шеърятига, айниқса Ли Бо, Ду Фу ижодларига кўп мурожаат қилганлар. Жумладан, XVI асрда яшаб ўтган Хон Чхунгёнинг сижосидан намуна келтириб ўтамиз:

Дур пардани ярмини кўтариб,
Пастга кўм-кўк уммонга қарайман.
Минг ли тўлқин чиройи
Чексиз осмон билан тенг,
Сув устида жуфт-жуфт кушлар
Учиб келяпти, учиб кетяпти.

오라고 돌아가마고

수도 없이 한 약속을

접어선 다시 펴고

다시 펴서 접는 사이

갈매기 제 먼저 끼룩대며

수평선을 넘어간다¹³

Ёки бўлмаса, Ким Гванукнинг қуйидаги сижоси;

Ёлғиз лайлак турибсан
Соҳилнинг оқ қумида.
Биламан мен; фақат сен ажратишинг мумкин
Менинг ички ҳиссиётларимни.
Мен сен билан доим бирга,
Бизнинг ўртамизда фарқ йўқ.

서있는 고독한 흰 헤론,
당신은 하얀 모래 해변가예요.
나도 알아에만이 나누어 수
나의 내면의 생각.

¹³ <http://blog.naver.com>

당신과 땅의 먼지의 일격, 내가 경멸하고,
그리고 우리 사이에 차이점이 없습니다.¹⁴

Ким Гванукнинг шеърини номаълум шоир шеъри билан қиёслаб кўриш мумкин:

Қумли қирғоқ ёнида, қамишзорлар ичида
Эгилган оқ лайлаклар!
Наҳот сиз ҳали тўймадингиз?
Мен (сиз сингари) озод бўлсам,
Мен бундай семирмасдим!

Бу сиждада оқ лайлак орқали образ динамик тарзда тасвирланган бўлиб, шоирнинг табиатга нистабан муносабатининг ўзгаришини кўрсатади. XVII-XVIII асрларда адабиётдги бундай ўзгаришлар давр талаби эди.

Бу даврга келиб корейс адабиётида аёл шоирлар ўртасида севги лирикаси кенг қўламда тарқала бошлади. Шулар ичида Хван Джи (1506-1544) энг машҳурларидан бўлиб, унинг шеърлари “Чунхян повести ҳақида”га жуда ҳам ўхшашдир. Масалан:

Оҳ, кўм-кўк дарё, яшил тоғлардан оқаётган!
Гердайма, осон оқаётганинг учун!
Бир кун уммонга тушиб,
Қайта чиқиш амри маҳол.
Ёруғ ой ўз нури билан яланғоч тоғларни ёритар.
Ўйнамайсанми сен?

단 한 번 눈길조차 주지 않던 자적이여

굽혔던 허릴 펴고 먼 산빛 바라보던 너

바다는 바다가 싫어 자꾸만 부서진다¹⁵

¹⁴<http://www.sijomunhak.com>

¹⁵<http://www.sijomunhak.com>

XVI асрда кисен шоиалари томонидан яратилган севги мавзуидаги шеърлар XVII асрга келиб ривожлана бошлади. Чу Жисик (1675-?) ва Ким Самхён (1675-1720)лар шу даврнинг энг етук шоираларидан ҳисобланади. Бу шоиралар ўз ижодида конфуций таълимотидан фарқли ўлароқ севги лирикасида кўпроқ инсонларнинг ички ҳиссиётларини ёритишади.

XVI асрнинг таниқли шоираларидан бири Чон Чхол (Сонган)дан еттида жилддан иборат ханмунда ёзилган асарлари (наср ва назм) бизгача етиб келган. Унинг саксонга яқин сиждлари ва бешта катта касаси шоирга шуҳрат келтирган. Қирол хонадони билан қариндошчилик ришталари бўлишига қарамай, Чон Чхол ўз бошидан жуда ҳам кўп қийинчиликларни кечирган, лекин шунга қарамай у жуда ҳам фаол ва қизиқувчан бўлган. Чон Чхолнинг қобилияти ва характери, ҳатто ижодини ҳам Ли Бога ҳам ўхшатишади. Сонганнинг биринчи касаси “Квандон пёлгок” (1580) олмос тоғларнинг саккизта гўзали ҳақидадир. Шоиранинг асарларида табиат билан уйғунлик сезилиб туради. Шоир Ли Бо ижодига юксак эътибор билан қарайди, асарларида унинг образини тасвирлашга ҳаракат сезилиб туради. Ли Бонинг “Ҳаётнинг қисқалиги ҳақида” асарини бошқача талқин қилиб, ўз поэмасини қуйидагича якунлайди:

Сен осмон чўмичин ағдар

Кўм-кўк уммонни қуй.

Ўзинг ич, менга ичир...

Ва ҳамма майни ол

Бутун дунёга ичир,

Ерда яшовчи ҳаммани

Пак Инно (1561-1642) йилларда яшаб ижод қилган шоирнинг ижоди ҳам алоҳида таҳсинга лойиқдир. У ханмунда ҳамда она тилида шеърлар ёзган. Шоир яратган касалар ўз вақтида катта муваффақиятлар келтирган. Пак Иннонинг биринчи яратган асари “Энг яхши кун” (1598) Пусан яқинидаги японлар билан бўлган жангдан сўнг ёзилган бўлиб, унда душман устидан қозонилган ғалаба тараннум этилган. Умуман шоир яратган асарларнинг

кўпчилик қисми японлар билан бўлган жанглар, жангда кўрсатилган қаҳрамонликлар, ҳарбийлар, уларнинг японларга берган қақшатқич зарбаси, ҳарбий қўмондонларга бағишланган, жумладан “Кемада” (1605) касаси урушдан кейинги йилларда ёзилиб, ҳарбий кема капитанининг японлар зарбасига қарши туришда кўрсатган жонбозлиги акс эттирилган.

Худди шу мавзуда қалам тебратган шоир Квон Пхил (1569-1612) ўзининг “От устида шеър айтаман” шеърида мамлакатдаги вазиятни тасвирлайди:

Ҳозир қанчалар оғир,
 Бизнинг мамлакатда
 На аёнлар, на аскарлар
 Мамлакатда етарли эмас.
 Ённогама, жанубда
 Ҳеч уруш тугумайди
 Кванбукда, шимолда,
 Ҳар қишлоқда, тоғда,
 Ҳаёт кечириш қанчалар қийин...
 Уруш оғирлиги
 Бизнинг бўйнимизда.
 Либосга ёшим тўкаман
 Алам ичимда.
 Ҳарбий маърузани
 Шеър сингари ёнимда сақлайман

Ўрта асрларда яратилган ханмундаги шеърларда адабий образнинг янгилашиши кузатилади, ижтимоий вазият тасвирланганда ҳам анъанавий образлилик сақланиб қолди. Масалан, Лим Жининг “Арғимчоқда” иболи қиз ва пейзажни тасвирлашда анъанавий образлардан фойдаланилган: “сочлар-булутлар” ва “соч турмаклашда ишлатиладиган нарса – олтин тўғноғич ва феникс” – гўзалнинг буюмлари; “яшил мажнунтол тўшаги” – баҳорий табиат тимсолидир. Бу образлилик XIX асргача давом этган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айти мумкинки, “ўрта асрлар” даврида корейс адабиётида кўплаб исмлар ва йўналишлар очилди. Кўплаб йўналишлар эса изсиз йўқолиб кетди, лекин қолганлари сижодан узун сижога айланди ва ҳ.к. Адабиётдаги юксалиш дарида корейс адабиёти Хитой тазйики остида эди. Айнан мана шу даврда “халқ ҳаракатлари” адабиётда акс эттирила бошланди. Миллий ёзув – хангил пайдо бўлиши билан эса кўплаб шоирлар она тилида ижод қила бошладилар.

II БОБ. СИЖО ЖАНРИДА ФИТОНИМИЯ

2.1.Сижо жанрида боғлар рамзи.

Ўрта асрлар корейс адабиётидаги бадиий матнларни ўрганиш бир мунча мураккаблик касб этади. Чунки бу даврдаги бадиий асарлар асосан ханмунда яратилган. Ўрта асрларда корейс алифбосининг яратилиши эса, корейс тилида назм ва насрнинг ривожланишига туртки бўлди. Хусусан, биз таҳлилга тортган корейс адабиётидаги сижо жанри ҳам корейс тилида яратилган илк шеърий жанрдир. Сижо жанрида мавзулар кўлами жуда ҳам кенг бўлиб, булар қушлар, боғ ва фитонимиядир.

Корейс мумтоз адабиёти поэзиясида боғ образи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мана шу мавзуга бағишланган тадқиқот ишларида, жумладан Ли Хуён Бо, Пак Хю Гван, Ким Ю Гю, Ан Мун Ён, Чон Чол, Ким Су Чжан, Ли Хван, Ким Кван Ук, Ли Ан Нул, Юн Сон До, Чо Хан ижодларида боғ образи тўлақонли ёритилган. Боғ образи асосан сижо жанрида кўп учрайди. Анна Ахматова томонидан эса юқорида номлари санаб ўтилган шоирларнинг сижолари рус тилига таржима қилинган.

Корейс шеърлятида боғ образини ёритишда Корейдаги энг таниқли боғлар ва хиёбонлардаги элементлар ёритилган.

Корейс мумтоз шеърляти **“дарё ва кўллар”** шеърляти деб ҳам аталади. Шу билан бирга баъзи бир манбаларда корейс мумтоз шеърляти “боғлар поэзияси” деб ҳам юритилади.

Боғ образи икки бир-бирига мос боғланган образлардан тузилган – бу корейс усталари томонидан яратилган ҳақиқий боғ ва машхур шоирлар томонидан ёзилган сижолардир.

Шеърлятда боғ образи кўп қиррали ва тўлақонли образлардан иборат. Корейс халқи учун боғ тимсоли – тинчлик тимсолидир, сижоларда боғларда ўтириб ўзи, ўтган умри, мамлакатдаги тинч замонлар ҳақида хаёл суриб, яхши кунлар келишига умид боғлайдиган инсонлар тасвирланган.

Ҳақиқатда корей боғлари ажойиб ва мўжизадир. Корейс халқи учун боғлар муқаддас жойлар ҳисобланади. Боғлар тинч ва осуда жой ҳисобланиб, инсон ўз хаёл дунёсига ғарқ бўлади, уни ҳеч ким ва ҳеч нарса безовта қилмайди.

Корей боғлари инсон кўллари билан яратилган бўлсада, шоирлар наздида бу она табиат томонидан тақдим этилган инъомдир. Боғбон меҳнати ва табиат инъоми уйғунлашиб кетган. Боғлар инсоннинг узоқ йиллик тинимсиз, машаққатли меҳнати эвазига бунёд бўлган, шунинг учун ҳам боғбон корейс халқининг ифтихори ҳисобланади.

Ёввойи гуллар, ўсимликлар ҳамда дарахтларнинг ўзаро уйғунлиги корейс боғ санъатининг асосий калитидир. Европа ландшафтидан фарқли равишда корейс боғларидаги дарахт ва бутоқларнинг шохлари кесилмайди. Корейда боғлар қироллар саройларини безатишда кенг қўлланилган. Энг биринчи боғлар ҳам айнан саройларда барпо этилган. Қиролликни гўзал боғсиз тасаввур этиб бўлмайди. Корейс халқи учун боғ барпо этиш фақат ландшафт дизайнининг чиройли бўлишидан иборат бўлмай, балки чуқур мазмун ҳам бордир. Боғбонлар ўзлари яратган боғларни фарзандидек

асраганлар. Боғ факат тарих ва табиатнинг инъоми эмас, балки корейс халқи юрагининг бир бўлаги ҳисобланади.

Бизгача сақланиб қолган Кёнжида Кёнсапукто қишлоғида энг қадимги корейс боғларда “**Анарчи**” ҳовузи мавжуддир. Ҳовузнинг ойнадек тиниқлиги ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Сеулдаги Чхандоккун сарой боғи ўзининг ўта мафтункорлиги билан ажралиб туради. Бо0 жуда ҳам катта бўлиб, майдони 300 минг квадрат метрни ташкил этади. Сарой мажмуаси атиги 405 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу боғ бошқа боғлардан ўз гўзаллиги билан ажралиб туради. Боғ қалин ўрмондан иборат бўлиб, жуда чиройли павиллионлар, нилуфар ҳовузлар, жилғалар ва турли хил гулларни ўзида мужассамлаштирган. Боғдаги барча элементлар бир-бири билан уйғун боғлиқдир.

Корейс боғлари инсонни чуқур мулоҳаза қилиш ҳамда танҳо қолиб хаёл суриши учун мақбул жойдир. Корейс миллати таъбири билан айтганда, ҳар бир инсон учун мана шундай “корейс боғлари” даркор, ўтган умрга назар ташлаш, ортга қараб фикр қилиш, сурилган умрнинг маъносини англаб етиш, қилинган ишларни сарҳад қилиш, ўзига ташқаридан қараш имконини беради. Корейс боғларида худди боқий оламга кириб қолгандек бўласан, киши. Бу боғлар шоирларга илҳом бағишлайди. Шоир наздида вақтни орқага суради: сувнинг шилдираган овози, қамишлар ва мажнунтоллар барглари шивири, тоғнинг совуқ шамоли, нилуфар гулинингш нафис ҳиди... Буларнинг ҳаммаси шоир сижоларида ўз аксини топган.

Ли Хён Бонинг сижосида сеҳрли боғ образи қуйидагича талқин этилади: сув ва нилуфар гул, балиқчалар ва мажнунтол, гуруч ва қамиш.

Боғ тимсоли бу боқий арчадир, жумладан;

Иссиқ бўлса – гуллар гуллайди,

Гар совуқ бўлса –барглар тўкилади.

Нимага, арча, сен учун

Бўрон ва қировлар кор қилмас?

Биламан:сенинг томирларинг кучли

Ўзга олам қироллигига чуқур кирган.

그것은 뜨거운 경우 - 꽃은 피고,

경우는 끝났다 - 시트 드롭.

당신을 위해 왜, 소나무,

어떤 폭풍이나 서리가 두렵지 않은가?

당신의 뿌리를 알고 너무 강해

죽음의 영역에 깊이 침투했습니다¹⁶

Арча – боқий ҳаёт тимсоли, унинг “кучли томирлари” ўзга оламга чуқур кириб борган. Бу дарахт, шоир талқинида ўлимни енган ва ўликлар қироллигини забт этган. Арчага эришган ғалабаси учун боқий умр ато этилган. Юқорида келтирилган шеърда эртанги кун учун ишонч, ёмонлик устидан яхшилик ғалаба қозониши тасвирланган. Бу мисраларни ўқиганда инсон ўзида табиий куч сезади. Арча инсон учун мардлик ва матонат намуни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам арча боғнинг биринчи тимсолидир.

Боғнинг яна бир тимсоли бу тош. У боқийлик рамзидир. Шоир Юн Сон До ёзган сижосида дунёнинг ўзгариши “тошга” таъсир қилмайди, дейди.

2.2 Сижо жанри шеърлятида фитонимиянинг қўлланилиши

Барча халқлар адабиётида бўлгани каби корейс адабиётида ҳам ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари орқали инсонлар ички дунёсини очиб бериш мавжуддир. Шу ўринда фитонимиядан кенг фойдаланилган. Фитонимия - бу инсонни ўраб турган ўсимликлар дунёсидир.

¹⁶ <http://daum.net>

Ўрта аср корейс адабиётида яратилган кўплаб асарларнинг асосий қисми фитонимиядир. Аммо ўзбекзабон ўқувчилар учун бу ҳодиса “бегона маданият белгилари” деб қаралган. (қаранг Я.А. Сорокин, И. Ю. Марковина. 1989. 43).

Кореянинг ўсимликлар дунёси жуда ҳам катта ва ўзига хос такрорланмайдиган, мафтункордир. Майсалар, гуллар, дарахтлар, мевалар “идеал” инсонлар образини яратишда кенг фойдаланилади. Нилуфар, пион, орхидея, мажнунтол, шафтоли ва унинг меваси аёллар ҳусни, латофатини ифодалашда қўлланилган. Ўсимликлар турли маросимларда ишлатилган, жумладан, ҳозирги кунга қадар Кореяда тўй жужуб (хурмо) ва каштан дарахти мевасисиз ўтмайди; хонадонга яхшилик ва бахт олиб келсин деб мажнунтол шохларини уйнинг эшиклариغا илиб қўйганлар; шафтоли дарахтининг шохлари даволовчи кучга эга, унинг шохлари билан талвасага учраган беморни уриб, инс-жинсларни ҳайдашган.

Ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари орқали инсонлар тақдирида бўладиган ҳодисалар тасвиланган: синган ёки топталган шох, узилган гул йўқотилган болаликдан дарак беради ва ҳ.к. корейс халқи учун ўсимликлар дунёси жуда кўп тимсоллар ва рамзийликни англатиб, жумладан арча, бамбук, олхўри дарахтлари энг улуғворлари ҳисобланади. Корейс тилидаги асарларда бошқа дарахтлар ҳам учрайди, уларнинг ҳам ўз вазифалари ва ўрни бордир: мажнунтол, шафтоли дарахти, кипарис, кедр ва гуллардан нилуфар, пион, хризантема ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўсимликлар дунёсининг корейс адабиётида тасвир воситасининг ажралмас қисмидир. Гуллар, майсалар ва дарахтлар фақат табиатни тасвирлаш билан чегараланмайди, балки “идеал” инсон қиёфасини яратишда ҳам кенг қўлланилади. Инсоний туйғуларни ифодалашда кенг қўлланиладиган тутдаги учрашув–севимли учрашув, сандал дарахтининг шохларини синдириш-таъқиқланган учрашув, майсалардан чамбар яшаш – охиротда хизматлар учун ташаккур билдириш ва ҳ.к. шархлар билан берилмаса ўзбекзабон китобхон учун тушунарсиз бўлиши табиий. Кўплаб

Ўсимликлар эса корейс адабиётида мавжуд афсоналар билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга ўсимликлар рассомчилик санъатида ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, олхўри ўзининг тузилиши ва доғлари йўқлиги билан шоирнинг партнери бўлиши мумкин; бамбук олижаноблик ва мақсад сари интилишлари билан олимлар каторига қўйилади. Чжан Чао XVIIасрда шундай ёзган:

“Олхўри гули бизга юқори ойлар ҳақида куйлайди...

Орхидея бизга тарки дунёчилик томонларини кўрсатади.

Арча эса қадимгиларнинг кучини беради”.

(“Книга розрений” 1997, 234)

Шу билан бирга ўсимликлар фразеологик оборотлар ва ибораларда ҳам кенг қўлланилган. Корейс адабиётида қуйидаги иборалар жуда ҳам кўп учрайди: қорда қолган гуллаган олхўри, япроқларини тўкаётган шафтоли дарахти, жигарранг дарахтнинг алвон шохлари, сариқ хризантемалар, тўқ қизил қарағайлар, эгилувчан мажнунтоллар, баҳор шамолида эгилаётган шох ва ҳ.к.

Корейс адабиётида ўсимликлар дунёси “олижаноб” ва “оддий халқ” каби турларга бўлинади. Манбаларда келтирилишича арча, олхўри, шафтоли дарахти, нилуфар, пион, хризантема, орхидея “олижаноб” ўсимликларга киритилади. “Оддий халқ” ўсимликларига утун, жигарранг дарахт, ипак, қайрағоч, мандарин, нок, ўрик, банан, жийда, анор, каштан ва гуллар киради.

“Олижаноб ўсимликлар”

Мугунхва (Гибискус) **무궁화** гули Кореянинг миллий рамзи ҳисобланади. “Мугунхва” корейс тилидан таржима қилинганда “мугун” – “абadiят”, “хва” – “гул” яъни “абadiят гули” деган маънони англатади. Бу гул ўзида корейс миллатининг иродаси, сабр-тоқати, матонатини мужассамлаштирган. Ҳар йили июнь ойидан то октябрь ойига қадар мамлакат шу гулларга бурканади. Гул кўплаб корейс шоирлари мавзуларига айланган.

Арча 먹은 корейс адабиётида ўсимликлар дунёсида алоҳида ўринни эгаллайди, у боқийлик рамзидир.

Шу билан бирга арча мангулик тимсоли бўлиб, корейс шеъриятида зони моделлаштиришда асосий рол ўйнайди. Ўсимликлар дунёсидаги арча ва кипарисга шоирлар алоҳида эътибор билан қарашган. Шеърларда арча мангулик образида кўринади, даврий образлар билан таққосланади. Жумладан,

Иссиқ кучаймоқда

Гуллар чиройли очилган.

Совуқ тушиб – барглар тўкилади

Фақат биргина баланд арча

Совукдан ҳам, қордан ҳам қўрқмайди.

Ер тагидаги тўққиз қатлам

Унинг баҳайбат илдизлари (“Қордаги бамбук” 1978, 123); Ёки

Кулманг, қийшиқ арча

Шамоллар эгган, қушлар қаритган.

Гуллар чиройи боқий эмас

Совуқ шамоллар қаҳрли

Қаҳратон қишда ҳали

Қийшиқ арчага ҳавас қиламан (Мумтоз шеърият, 1977,459).

호거산 너머 소식 궁금도 하련마는
애당초 높은 곳에 뜻을 두지 않았다
비바람 성낸 우레도 가슴 짙 일 없으니

동이 째 들이마신 회춘 농주 취기 돌아
먼 기억 더듬으면 아슴푸레 한 나이
지닌 뜻 행여 꺾일까 지팡이 짚고 섰다

새순도 눈 부비는 비구니승 아침 예불
맘 자락 같았을까 바람 불러 놓는 술침
구름이 문을 여는 절 법문 널리 번진다

걸어온 길 너무 멀어 부축 받는 삶이지만
 곁은 절개 딛고 서면 화염에 가 이를까
 몸으로 온몸으로 말하는 운문사 처진 소나무¹⁷

Замон, вақт ва шароитга қараб характерини ўзгартирмайдиган инсонларни шоирлар арча мисолида кўрадилар.

Арча пейзажнинг марказий ёки асосий элементи ҳисобланади, табиатнинг идеал кўриниши сифатида қўлланилади.

Кипарис танаси жуда ҳам пишиқ ва қаттиқ, ҳар доим яшил рангли дарахт бўлиб, узоқ умр ва ҳаётӣ куч тимсолидир.

Ҳар доим яшил рангли кипарис қирол шажарасини намоён этган. Кипарисни янбан (дворян) деб аташган. Бу тимсол адабиётда ҳам ўз аксини топган., масалан:

Ясен оддий халқ деб қаралган

Кипарис эса-янбан. (“Атиргул ва алвонранг нилуфар” 1974,343).

Ҳаёт берувчи Ян қишин-ёзин барглар яшил бўлиши учун элементларини ташқарига чиқаради, дейишади. Кипарис шохлари ёвуз руҳлардан сақлайди, шунинг учун уни кўп ҳолларда мозорларда ва эҳромларнинг ҳовлиларига экилган — бу ўз навбатида дафн қилинганлар жасадини чиришдан сақлайди, тирикларга эса бахт ва омад келтиради. Вафот этганлар жасадини арча ва кипарис тахталаридан ясалган тобутларга солишган. (Герман Ким, 2002; Сидихменов 2000,30,33.)

Тепаликка чиқиб, атрофдаги ялангликка қарайман.

Шимолда Яшил тоғ қабрларини кўряпман.

Чўққиларни арча ва кипарислар бекитмоқда. (“Книга прозрений” 1977, 121);

¹⁷<http://sijomunhak.com>

Кедр - Кореяда бу дарахт ҳаётий ва сеҳрли энергияга эга, деб атайдилар. Эман, вяз, арча, мажнунтол ва каштанлар билан бирга уни муқаддас дарахтлар қаторига киритганлар (Герман Ким 2002)

Кедр ва арча пейзажнинг доимий элементларини қуйидаги шеърларда кузатамиз:

Ҳамма ёқда баланд қоялар

Ёруғ, ой ўзининг совуқ нурларини

Қалин ўтлар ва тоғ этагидаги

Кедирларга сочмоқда. (“Чан Хва ва Хон Нен” 1960,612)

Кедр ва арчага ҳаётий қийинчиликларга бардош бера оладиган тимсол сифатида қаралган:

“... юзини олтин ва нефритга ўхшатиш мумкин, қалбини-арча ва кедрга” (Инхен қироличасининг ҳаёти, 1985,63)

Кедр ёнғоқлари турли тамолар тайёрлашда ишлатилган, масалан, чучвара, манти, шунингдек чой ҳам дамланган.

“Куёв мантини бўлиб, унда кедр ёнғоқларини кўрди...” (“Тошбақа шўрва” 1970, 35);

Бамбук (대나무) қишда гуллайдиган дарахт тури бўлиб, шарқано жозибадорлиги, эгилувчанлиги ва юмшоқлиги, узоқ муддатга чидамлилиги билан ажралиб туради, у яхши тарбия, айрилмас дўст, узоқ умр ва бахтли қарилик белгисидир. Шу билан бирга бамбук будданинг рамзий белгиси ҳисобланади. Бамбук ва қалдирғоч - дўстлик, бамбук ва турна – узоқ умр ва бахт, бамбук ва олхўри- мустаҳкам дўстлик, бамбук ва арча қишнинг аёзли кунларида содиқлик маъносини англатади. Кореяда мавжуд бўлган учта таълимотнинг биттаси буддизмни бамбукка қиёслашади. (конфуцийчилик- арча, даосизм-олхўри).

내 벗이 몇이나 하니 수석과 송죽이라

동산에 달 오르니 그 더욱 반갑고야

두어라 이 다섯 밧긔 또 더하야 머엇하리.¹⁸

Дўстдир менга: Зангор бамбук, дарё ва қарағай.

Ой чиққанда бахтлиман мен янада.

Ва ишонинг, ортиқ дўстнинг кераги йўқдир менга

Арча каби бамбук ҳам пейзажнинг асосий элементларидан бири
хисобланади. Жумладан,

Олисдаги гўзал юртда

Фақат бир нарса боқий.

У юртнинг тоғлари баланд

Бамбук осмонга чиқмоқчи тўқ яшил бўлиб.

Тоғ этагини майсалар қоплаган. (“Қорда қолган бамбук” 1978, 281)

Ёки бўлмаса,

Табиатда уйғунсиз ҳеч нарса йўқ

Мустаҳкам бўш тана!

Бамбукни ростгўйлиги учун яхши кўраман

Чунки у йил бўйи яшил тусда. (“Мумтоз шеърят...” 1977, 455).

Ям-яшил бамбук мустаҳкам, мангуликни англатади, ҳақиқатгўй
инсонларга қиёсланади, бамбук бўрон, шамолларда эгилиши мумкин, аммо
синмайди, яъни иродаси маҳкам, ҳаёт синовларига бардошли инсонлар
образида қўлланилади.

Ким айтади қиш кунда

Бамбук ерга эгилади деб?

Қандай қилиб қиш ўртасида

Ям-яшил, у қачон бош эгди?

Мен биламан бу совуқ йилда

Тўғри қолди у фақат бамбук (“Қорда қолган бамбук” 1978, 47)

¹⁸ 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993. 138 쪽.

Олхўри (자두)Кореяда олхўри (корейсча мехва) эрта баҳорда гуллайди.

Олхўри куч, матонат, тириклик, шунингдек узоқ умр, тозалик ва чиройни тараннум этади.

Олхўри эрта баҳор рамзи.

Шарқдан илиқ шамол эсмоқда,

Сўнгги қор тўпламлари эриди.

Деразам олдидаги эртапишар олхўри

Шохлари биринчи гуллар билан қопланди. (“Қорда қолган бамбук”, 978,243).

Эрта баҳорда олхўрининг гуллаши ҳаётий ўзгаришлар, шод кунлар келишидан дарак беради. Шу билан бирга олхўри гуллари донишмандлик рамзи ҳам ҳисобланади. Корейс аёллари олхўри гулларида соч турмагида фойдаланишган.

Мажнунтол. Кореяда мажнунтолни бошқача бир меҳр билан яхши кўришади. Ёзнинг иссиқ ва қуёшли кунларида мажнунтолнинг майин эгилган шохлари соясида дам олиш мумкин. Эгилувчан шохларидан арқонлар ва саватлар тўқилган, баргларида таннин моддаси мавжуд бўлиб, чой ўрнини босувчи ичимлик сифатида фойдаланилади. Мажнунтол барглари ва қобиғидан баъзи бир хасталиклар учун дори сифатида ишлатилади. Мажнунтол ўз гўзаллиги ва мафтункорлиги билан шоирлар ва ёзувчиларнинг бош мавзусига айланган. Боғланган мажнунтол шохлари севги рамзи ҳисобланади. Мажнунтол танасидан маъбудлар ясалган, шу орқали руҳлар дунёси билан мулоқот ўрнатади, деган ақида мавжуд. Эрта баҳорда эркаклар экин ҳосилдорлиги яхши бўлиши учун мажнунтолга арғимчоқ боғлаб учишган, яъни мажнунтолнинг сеҳрли кучи ернинг унумдорлигини оширади, деб ишонишган

“У мажнунтолнинг баланд шохига арғимчоқ илиб юз чхок баландликка учмоқчи бўлибди... Арғимчоқ билан бирга шохдаги барглари ҳам тебранмоқда эди...” (“Садоқатли ЧхунХян”, 1960, 41)

Корейс адабиётида баҳорни тўлиқ таърифлашда табиат тасвирига албатта мажнунтолни киритишади

“Мажнунтолларнинг ажойиб гуллаш даври келди - нафис баҳор. Бутун тирик мавжудот уйғонади, майсалар ва дарахтлар кўкаради”. (“Садоқатли ЧхунХян”, 1974, 311)

“Яна эрта баҳор келди...Майсалар ниш урди, мажнунтоллар гулламоқда” (“Қорда қолган бамбук”, 1978, 239).

Шу билан бирга Корейда мажнунтол айрилиқ рамзи сифатида узок сафарга отланган инсонга эсдалик учун мажнунтол шохларидан совға берилади.

Утун (одон, павлония 오동나무). Утун табиатнинг шеърий рамзи.

“... кўм-кўк утундан шудринг тушмоқда

Турна турганга ўхшаб”.

Баъзи бир таржималарда павлония деб келтирилади. Утунлар романтик учрашувлар жойи ҳисобланади. Утундан маиший нарсалар яшашда фойдаланилади, шунингдек мусиқа асбоблари ҳам ясалади. Чиройли кизларни утунга қиёслашади.

Долчин дарахт. Гуллаган долчин дарахти табиатнинг уйғонган вақтидаги энг идеал кўринишидир. Долчин дарахти билан боғлиқ кўп афсоналар мавжуд. Жумладан, “... ойда долчин дарахти ўсади, унинг тагида нефрит куён яшайди, у йил бўйи мангулик малҳамини ясайди...” Бу афсона корейс адабиётида кўп учрайди. Афсоналарда айтилишича, долчин дарахтининг гуллари фаришталарнинг кўлида. Долчин дарахти рангли образ. Алвон ранг долчин дарахти билан боғлиқ.

Долчин дарахтидан устунлар, баргларида қоғоз яшашда фойдаланилган. Корейс ошхонасида долчин баргларида турли соуслар ва шарбатлар тайёрлашда фойдаланишади.

Долчин фразеологик оборотларда қўлланилади. Долчин шохини синдирди, деган ибора машҳурликка эришди маъносини англатади. Долчин

гуллариға бурканди ибораси эса давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширганликдан даолатдир.

Тут дарахти (ипак). Тут дарахти қишлоқ ҳаётини тасвирлашда идеал элемент сифатида ишлатилади. Тут дарахтининг барги ва мевасини йиғиш қишлоқ хўжалик меҳнатининг бир тури ҳисобланиб, уй юритиш, эркин қишлоқ ҳаёти тимсолидир.

Тут дарахти дарвешларнинг йўлдоши саналади. Тут дарахтининг мевалари ширинлик сифатида истеъмол қилинган. Тут дарахтидан мусиқа асбоблари ясалган. Тут дарахти тарихий баҳс-мунозарага сабаб бўлиб, бу тарихий воқеалар адабиётга киритилган.

Тут дарахти билан боғлиқ бир нечта афсоналар мавжуд. Шулардан биттаси Шан Чен Тан сулоласининг биринчи вазири ҳақида. Асримиздан аввалги 1766 - 1753 йилларда мамлакат бошига кулфат тушди, яъни етти йил давом этган қурғоқчилик очарчиликка олиб келди. Шунда вазир яланг оёқ тутзорга бориб худога илтижолар қила бошлади. Афсонада айтишларича, қилинган дуолар осмону-фалакка етиб борибди ҳамда ёмғир ёғибди.

Қайроғоч табиатдаги энг гўзал, виқорли дарахтлардан биридир.

“Девор ёнида гуллаган қайроғочларда

Шудринг ялтирайди, ой шуъласида ярқираб... (“Узоқ Шарқ мумтоз прозаси” 1973,288)

Тўқ қизил рангли қайроғоч куз кўринишини тасвирлашда фойдаланилади.

Ўрик дарахти (살구) корейс адабиётида баҳор образини яратишда идеал элемент ҳисобланади.

“Яна эрта баҳор келди

Қантак ўрик ва шафтолига боқаман.

Кун ботишда гулладилар... (“Қорда қолган бамбук”, 1978, 239)

Қадимда янбанлар (дворянлар) боғини ўрик дарахтлари билан безашган.

“Бир боқишда тушунарли эди

Бу катта амалдорнинг уйи.

Чиройли ясалган панжаралар

Айлана қилиб қурилган деразанинг атрофи

Мажнунтол ва қизил гулли ўриклар” (“Ранглар тарихи”, 1991,418)

Ёки,

“Юзи ўрикдай, ёноқлари шафтоли мисол

Танаси эгилувчан мажнунтол сингари”. (“Олхўри гуллари” 1998,132)

Нок дарахти (배나무). Кореяда нок дарахти узок умр кўриш тимсоли ҳисобланади. Нок дарахти ҳам баҳор пейзажини тасвирлашда идеал элементлардан биридир.

“Нок гулларин шамол дарахтдан узди

Ҳамма тарафга сочилди.

Ўз шохларига қайтолмай,

Исларда осилиб турибди.

Ерни нок гуллари қоплади

Бу ерда улар анча,ўнг ва чапда”.

Нок меваси инсонлар емишига киради. Нок дарахтидан қайиқлар ясалган.

”Қароқчилар нок дарахтидан ясалган қайиларда сузмокдалар, магнолия дарахтидан қилинган эшкаклар билан эшмокдалар...” (“Ранглар тарихи”, 1991,318)

Нок дарахтининг гуллари орқали қайғу ва тартибсизлик тасвирланган. Корейс мақолларида ҳам нок кўп учрайди.

Анор дарахти (석류). Анор–кўп фарзандлик белгиси. Анорнинг қизил рангги тинчликни, хурсандчилик ва фаровонликни англатади. Дастурхон устида ҳар доим анор тўлдирилган идиш туриши тўкин-сочинликни билдирган. Камбағал оилалар эса анор расми туширилган расмларни уй деворларига осиб қўйилган.

“Эшитдим, тунда қаттиқ ёмғир ёғди,
 Чикдим, ҳамма анор гуллари очилган.
 Биллур томчилар ялтирар,
 Нилуфар ҳовуз устидаги шохлар...”

Анор гулларининг япроқлари бутун ер устида...” (“Ранглар тарихи”
 1991,509)

산촌에 눈이 오니 돌길이 묻혔세라
 시비를 열지 마라 날 찾을 이 누 있으리
 밤중만 일편명월이 귀 벗인가 하노라¹⁹

Кореяда анор кўчатлари хиёбонларга ҳам экилади. Анор гуллари аёллар кийимида ҳам ўз аксини топган.

Хитой хурмоси (финики 날짜). Узок Шарқ мамлакатларида хурмо (жужуб) – энг керакли таом ҳисобланади. Бу дарахт ҳосилдорликни англатади. Никоҳда келиннинг этагига кўп фарзандли бўлсин деб, хурмо солиб қўйилади, бу удум ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Хурмо билан боғлиқ удумлардан яна биттаси тўй куни ёш келин-куёв бир-бирининг оғзига жужуб доналари солиб, май ичишади.

“Ҳамма ёқда ажойиб гуллар ва майсалар,
 Яшил шийпончага кирсанг, жужуб (хурмо)...

Хитой жужублари оддий халқ таоми ҳисобланади, медани тўқ тутати. Кўп жужуб истеъмол қилиш, узок умр кўриш гарови, деб ишонишган.

Каштан (밤나무). Гуллаган каштан баҳор тасвирининг идеал элементиدير. Корея шаҳарларининг дам олиш ҳудудларига албатта арча билан бирга каштан ўтқазилади. Тўйларда ёш келин-куёвларга, фарзандли бўлган ёш оналарга фарзандлари соғлом ва кучли бўлсин, деган ниятда каштан гуллари совға қилинган.

Гуллар

¹⁹ <http://daum.net>

Корейс адабиётида гуллар баҳор, ёшлик, гўзаллик,табiiйлик ва маънавий бойлик тимсоли бўлиб, табиатнинг яшариш даврини тасвирлашда қўлланилади. Гуллар образ сифатида ҳам ишлатилади. Баҳорда очиладиган гуллар боқий эмас, улар қисқа умри мафтункор баҳор тугашидан далолат. Корейс шоири Ким Со Вол баҳор гуллари умрнинг қисқалигига қиёслаган. “Ранглар тарихи” муаллифи Лим Же ўз трактатларида гулларни маънавий бойликка ўхшатади.

Ўрта аср корейс адабиёти тараққиётига ижтимоий-сиёсий муҳит, адабий ғоялар таъсири сезилади. Айниқса XIV-XVIII асрларда жамиятдаги ўзгаришлар таъсири остида адабий жараёнга янги ғоялар кўпроқ таъсир ўтказди, бунинг натижасида ҳақиқатни тасвирлашда янги услуб, янги усуллар излана бошланди. Бу давр “янги давр адабиётига ўтиш даври” деб номланади. Мазкур давр адабиётига маърифатпарварлик ғоялари, тараққиёт ғояси ва корейс халқининг гуллаб-яшнаши, озод шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, кўплаб феодал тартибларининг қайта қурилиши маълум даражада таъсир ўтказди. Корейс адабиётида ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолган жанрлар XIX асрга қадар ўзгарди.

Ўрта аср корейс адабиёти икки тил, яъни ханмун (корейслагштирилган хитой ёзуви) ҳамда хангил (миллий ёзув)да яратилган. Она тилида яратилган асарлар “паст” даражали ҳисобланган.

Ўрта асрларда корейс шеърияти гуллаб-яшнади, турли тўпламлар яратилди, шеърятда асосан ватанпарварлик, табиат, озод ватан каби мавзулар қуйланган.

Миллий ёзув яратилиши билан боғлиқ равишда сижо корейс тилида яратилган илк янги поэтик жанрдир.

Сижо атамасининг аниқ маъноси тушунарсиз бўлиб, у “йил фасллари қўшиқлари” деб номланади.

Сижолар ифодали ўқилмаган, балки мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилган.

Сижо жанри Кореядан ташқари бошқа ҳудудларда деярли машҳур бўлмаган, аммо рус тилига жуда ҳам кўп таржима қилинган.

Сижо жанрида Кореянинг энг катта ва гўзал боғлари, ундаги элементлар (масалан, арча, тош ва ҳ.к.) акс эттирилган.

Сижо кейинчалик узун сижо кўринишида давом этди, қайта туғилди, ривожланди.

Сижо жанри рамзларга бой.

Сижода фитонимия етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, айниқса арча, бамбук, кедр, кипарис, мажнунтол, каби манзарали, долчин, нок, олча каби мевали дарахтлар билан бирга гуллар шоир ва унинг лирик қаҳрамонининг ички дунёси, ҳиссиётларини тасвирлашда муҳим восита ҳисобланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарлари

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 1997.-Б 221
2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 480 б.
3. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 33 б.

Дарслик

4. 김 혈조. 박지원의 산문 문학. – 서울, 2002. – 586 쪽.
5. 김 회보. 한국의 명작. – 서울, 1993. – 858 쪽.
6. 권 영민. 한국 현대 문학 대사전. – 서울, 2004. – 1595 쪽.

Ўқув қўлланмалар

7. Бамбук в снегу. Корейская лирика VIII-XIX в. – М.: Наука, 1978. – 327 с.
8. Брагинский И.С. Поэзия и проза Древнего Востока. – М.: Наука, 1973. – 247 с.
9. Иванова В.И. Новая проза Корея. – М.: Наука, 1987. – 179 с.
10. Ким Соволь. Корейская поэзия XX века. – М.: Первое марта, 2003. – 175 с.
11. Ким В.Н., У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак. Литература изучаемого языка (Корея). – Ташкент, 2009. – 224 с.

Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар

12. Зиямухамедов Ж. Ўрта аср новеллалари. – Т.: X/T “QUADRAT-PRINT”, 2010. – 159 б.
13. Зиямухамедов Ж. Хитой адабиётида “чуанчи” жанрининг ўзига хос хусусиятлари // Шарқ мамлакатларида адабий жараёнлар: жанр ва поэтика масалалари: Илмий анжуман материаллари. – Т., 2010. – Б.24-26.
14. Зиямухамедов Ж. К вопросу о влиянии китайской литературы на корейскую литературу // Содействие развитию корееведения в странах СНГ: проблемы и решения: Материалы международной научной конференции по корееведению. – Т., 2006. – С.46–49.
15. Ким В.Н. Особенности традиционного народного искусства корейского и

узбекского народов // Материалы международной научной конференции по корееведению. – Казахстан, 2006. – С. 279–285.

16. Корейская классическая поэзия /В переводе Анны Ахматовой. – М.: ХЛ, 1956. – 319 с.
17. Корейская классическая поэзия. – М.: Гослитиздат, 1956. – 259 с.
18. Культурное наследие народов Востока и современная идеологическая борьба. – М.: Наука, 1987. – 271 с.
19. Ли В.Н. Корейская литература // История всемирной литературы. – М., 1989. Т.6. – С.622–624.
20. Никитина М.И. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. – М.: Наука, 1982. – 327 с.
21. Никитина М.И. Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо. – СПб., 1994. – 238 с.

Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

22. Зиямухамедов Ж. Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари: Фил. ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДШИ, 2005. – 143 б.
23. Сайдазимова У.Т. ““Хон Кил Дон ҳақида қисса”-ўрта аср корейс насрининг намунаси” (типология, хусусиятлари ва эпик мотивлар масаласи)

Фойдаланилган интернет сайтлари:

1. <http://blog.naver.com>
2. <http://jyosio.com.ne.kr>
3. <http://www.sijomunhak.com>
4. <http://daum.net>
5. <http://idrama.u>